

## БОДРИНГНИНГ ЭЛЕГАНТ F<sub>1</sub> ДУРАГАЙИ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Б. М. Ахмедов**

«Green Valley Seeds» хусусий корхона директори

bahtiyor6727@gmail.com

**С. А. Юнусов**

Тошкент давлат аграр университети профессори

salohiddin.yunusov@yandex.ru

### АННОТАЦИЯ

Сабзавот маҳсулотлари инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, озиқ - овқат рационалида муҳим ўрин тутди. Сўнги йилларда сабзавот экинлари майдонини кенгайтириш ва юқори сифатли экспортбоп маҳсулотлар етиштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қанча Фармон ва Қарорлар қабул қилиниб, жойларда бу соҳани ривожлантириш бўйича кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳимояланган майдонларда сабзавот етиштириш кенг оммалашмоқда. Сабзавот экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири – бу гетерозис дурагайлардан фойдаланишдир.

**Калит сўзлар:** бодринг, элегант, дурагай, хусусият, сабзавот.